



Жортишіз бұйылаб кезар Наврұзи олаи...

Вилоят ижтимои ёсий газасиги



Жанубий Қозофистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқады

2021 йил 20 март, шанба. №31 (2936).

**1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
бешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади**

2021 ийл 20 март, шанба. №31 (2936).

ЙИЛ САРҲИСОБИ – ПРЕЗИДЕНТ КИТОБЛАРИДА

ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИҢГ ПАНДЕМИЯ ЙИЛИДАГИ ФАОЛИЯТИГА БАҒИШЛАНГАН ТҮПЛАМ НАШР ЭТИЛДИ

Коронавирус инфекциясиغا қарши кураш давомида давлатимиз раҳбари Қасим-Жўматр Тўқаев аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, иқтисодиёт ва таълимнинг барқарорлиги ҳамда тараққиёт суръатларини сақлашга алоҳида эътибор қаратди, дея хабар беради Newtimes.kz

Хусusan, 4,5 миллиондан зиёд одамга 42 500 тенге миқдорида моддий ёрдам берилди. 1 миллионга яқин фуқарога озиқ-овқат ва уй анжомлари топширилди. Тахминан 2 миллион кишига кредитларини тұлаш үчүн имтиёзли муддат берилди. 700 мингдан зиёд компанияя ва тадбиркорларнинг со-лик юки камайтирилди.

Пандемия шароитида Қасим-Жұмарт Тұқаев жойларда вазият билан шахсан танишиш, жамаатчилек билан учрашувлар үтка-

казиш учун онлайн шаклдан фаол фойдаланилди.

Хусусан, давлат раҳбари БМТ-нинг 75 йиллигини нишонлашга бағишиланган олий даражадаги тадбирда, БМТ Бош ассамблеяси 75-сессиясининг умумий сиёсий музокаралари, МДҲ Давлат раҳбарлари кенгаси мажлисларида иштирок этди.

ШХТГа аъзо давлатлар раҳбарлари, Туркийзабон давлатларнинг ҳамкорлик кенгаси, Евросиё Иктисолий Иттифоқи саммитлари, Жамоавий Хавфсизлик Шартномасини ташкил этиш ва бошқа учрашувлар видеоалоқа орқали амалга оширилди.

(Давоми 3-бетда). ▶



Томувishi яратын эмнег баракаси мүл



Қадрлы Құркістан вилойаты

Сизларни Улуснинг улуғ куни
– Наврӯз байрами билан чин дил-

дан муборакбод этамиз!
Наврўз – эзгулик ва бирлик
байрами. Бу кунда барча гина-
кудуратни унумиб, қариндош-
уруглар билан бир дастурхон
атрофида тўпланади. Элбоши
Нурсултан Назарбаев таъкид-
лаганидек, “Улуснинг улуғ куни
– кўнгилда гина қолмай қуво-
надиган, ҳурмат-эҳтиром ила
учрашадиган кун”.

Жорийй йил Наврүз байрамы эл Мустақиллигининг 30 йиллиги билан ҳамоҳанг келди. Ушбу шодиёнага тайёргарлик бўйича давлат комиссиясининг дастлабки мажлисида Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев элдаги дуққатга сазовор жойлар йил ўтган сайнин ёмонлашиб бораётганидан хавотирланиб, “Тоза табиат” лойиҳасини амалга оширишни таклиф этди. Улуснинг улуғ кунини янгича нишонлантиришни ташаббуси билан ўртаклашиди. “Боболаримиз Аз Наврўз келганда булоқлар кўзини очиб, дараҳт ўтқазган. Ушбу ажойиб ташаббусни гайрат ва шижоат билан давом эттирайлик. Табиатни тозалаб, атроф-муҳитни кўқаламзорлаштириш лозим. Бундай тадбирлар барча мин-

такадарда үтказипиши керак.

тақалардың улкызилиши көрек. Бу – қадым урф-одатларымыз ҳамда ёш авлодларга экологик тарбия беришнинг энг самарали йўли”, деди Президент. Элимиз Наврўзни улкан ютуқлар билан қарши оляпти. Иқтисодиётда, маданий-ижтимоий соҳаларда ижобий натижаларга эришдик. Туркистон вилоятида янги Саврон тумани ташкил топди. Шунингдек, айём арафасида туркий оламга муштарак “Turkistan” телеканали очилади. Яна бир тарихий воқеа, яқин кунларда маданий-маънавий марказда Туркий тилли давлатлар раҳбарлари

иштирокида илк Саммит ўтади.

Минтақадаги ижтимои-иқтисодий ўзгаришларни кўриб, гувоҳ бўлиб юрибсизлар. Аҳоли фаровонлигини ошириш мақсадида ҳам залворли тадбирлар амалга оширилмоқда. Буларнинг барчаси келажакка шончнинг натижаси

Хосиятли Наврүз байрами ҳар
бир хонадонга қут-барака олиб
келсин. Улус ўнг, оқ мўл бўлсин!
Табиат уйғониши билан уйғун-
лашган байрамда барча эзгу
ниятларимиз ушадисин!

Үмирзақ ШҮКЕЕВ,
вилоят ҳокими.
Қайрат БАЛАБИЕВ,
вилоят маслаҳати котиби.

Туркистан вилояти, Сариоғоч тумани "Жартитүбе" қишлоғи "Тәуекел" деген хұжалигида "Туркистан вилояті агросаноат мажмусаидасы" мәннат унұмдорлығын оширишда, бир майдондан иккі-уч марта ҳосил олишнинг самарадорлығы" мавзууда вилоят семинари үтди. Очиқ осмон остида уюштирилген тадбирда Туркистан вилояті ҳокими Үмирзақ Шүкев, вилоят қишлоқ хұжалиғи башқармасы раҳбари, олимлар, туман, шаһар, қишлоқ округлары хокимлари, агротузилмалар раҳбарлари ва тадбиркорлар иштирек этди. Аңғанавий тадбирда қишлоқ хұжалиғи маҳсулоттарини ишлаб чиқарувларига уруғ, минерал үгітлар, гербицидлар ва ҳисори зотли құйлар күргазмасы таништирилди.

Қозоғистоннинг агросаноат мажмусаининг асосий вазифасы – қишлоқ хұжалиғи саноатини барқарор ривожлантириш, жағон бозорида ракобаттардош, экспортта йұналтырылған маҳсулоттар ишлаб чиқарыш суръатини юксалтири, соңдагы мәннат унұмдорлығини 2,5 баравар ошириш. Бунинг учун, 2019 йилдан бoshлаб, вилоядта "Бир майдондан йилига 2-3 ҳосил олиш" лойиҳасы амалға оширилмоқда.

– Вилоядтаги исесікхоналарнинг 35 фойзи Сариоғоч тумани тасарруғифа. Минтақамизда ҳосил әртә үйгіб олинади. Маҳсулоттарни сотиша

хам муаммо йүк. Махсус сайтлар бор. Уларнинг сонини күпайтириш керак.

Зарур маҳсулоттарни үзлери топиб, олиб кетади. Бир майдондан иккі-уч ҳосил олиш лойиҳасын амалға оширишни бoshлаганимизда күпчилік шубха билан қаралған эди. Энді биз уннинг самарадорлығини ишботладик. Томорқадан даромад олиш учун истроил технологияси жорий қилинди, – деди вилоят ҳокими Үмирзақ Естайули.

Жорий йилда 6 мингектар ерда 2760та лойиҳаны амалға ошириш реваланған. Бугунғы күнгача 1622та лойиҳа доирасиде 3,4 мингектарга бириңи

Вилоят ҳокимининг матбуют хизматы.

Үмирзақ ШҮКЕЕВ: "БИР МАЙДОНДАН 2-3 ҲОСИЛ ОЛИШ" ЛОЙИҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ИСБОТЛАДИ



Туркистан шаҳрида Nur Otan партияси вилоят маслаҳатидаги фракциясынинг мажмусаи үтди. Уни фракция раҳбари Бейсенбай Тажибаев олиб борди.

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАДА

Күн тартибидаги бириңи масала бүйіча вилоят полиция департаменті бошлиғи, полиция генерал-майори Қайрат Дағбековнинг маъруғасы тингланды, минтақада жамоат тартибини таъминлаш қозасидан олиб борилаётганды ишлар түгрисіде маълумот берилди. Нотиқнинг таъкидлашича, үтгап үили вилоядта жиноятычилик умумий күрсаткичининг сезиларлы даражада камайышыга әршилған.

– 2020 йилда үтә оғир жинояларнинг очиши даражасы 96,7 фойзге үсди. Мол үғирилігінде оид жиноялар сони иккі баравар камайды. Полиция назорати остидаги 56та камера ва 21та фиксатор ердамида 64 445 маъмур ҳуқуқбүзарлар аниқланған. Қоидабүзарларға 4 млрд. 364 млн. 284 минг тенге жарима солиниб, 2 млрд. 412 млн. 8080 минг тенгесі үндирілди, – деди Қ. Дағбеков.

Күн тартибидаги иккінчи масала – вилоят ҳоқимларының маҳаллий давлат-хусусий ҳамкорлар пойыздарының амалға ошириліши қозасидан вилоят стратегия ва иктисолидёт тараққиеті башқармасы раҳбари Қ. Қайыбек маъруза қилды.

Фракция раҳбари Б. Тажибаев партия сайловолди дастуридаги "Йўл ҳаритаси"ні амалға ошириш долзарб масала эканнан алоҳида таъкидлады.

Йўл ҳаритаси бүйіча ИИДга жорий йилда 119та видеокамера ўрнатылған, 588та видеофикатор, 57та онлайн тартибда ишлайдыган видеокамера харид қилиш режаланған.

– Маълумки, 2020 йыл 14 декабря партия раисининг бириңи ўрнинбасары Бауржан Қидирғалиули етакчилігидеги Республика сайлов штабында кентовлик фуқаролардан арз-шикоят түшганды. Улар Кентовдагы 42та хусусий болалар боғчаларидеги ойлик маош озлигидан шикоят қилишганды. Бу масала партия назорат комиссиясында муҳокама қилиніб, тегишли өзаралар күрілди. Худди шу кабі ҳоллар Келес, Сариоғоч, Сўзақ туманларында ҳам мавжудлар аниқланғанды. Партия ушбу масаланы ижоби ҳал қилишга ёрдамлашады, – деди Б. Тажибаев.

Фракция мажмусаи натижалары инобатта олинініб, маслаҳатнинг навбатдаги сессиясыда күриб чиқылышы ҳақида тегишли қарор қабул қилинди.

Nur Otan партияси вилоят филиали матбуют хизматы.

БАЙРАМ ТАДБИРЛАРИ БЕКОР ҚИЛИНДИ

Туркистан шаҳрида коронавирус инфекциясы тарқалишининг олдини олиш мақсадыда Наврӯз байрамы муносабаты билан үтәдиган тантанали тадбирлар бекор қилинди.

Сабаби, Туркистан вилояті бүйіча бугунғы күнде КВИ юқтирган 12 одам, вирусли пневмония билан 5 нафари рүйхатта олинған.

Натижада минтақада касалланишнинг ҳафтада мөндерден ошиб, 1,7 фойзга етди. Бу ҳақда Туркистан ви-

лоят ҳокимининг ўринбасары Сакен Қалқаманов маълум қилды.

– Наврӯз байрамы муносабаты билан биз вилоят марказыда бир неча тадбир үтказышни режалаган әдик. Аммо 19-23 марта оралиғыда Туркистан шаҳрига 11 мингдан зиёд одамнинг поезд, самолёт, автобусда келиши күтілмоқда. Шунингдек, 31 марта күні Туркистанда Туркій тибли давлаттар ҳамкорлик кенгашининг норасмий саммити үтады. Бундай улкан тадбирлар арағасыда карантин чораларига

қатайй риоя қилишимиз зарур, – деди Сакен Амангелдиули.

Шунингдек, брифинде иштирек этганды вилоят баш санитария шифокори Нурбек Нишанов миллій байрамни оила даврасыда күтиб олиш зарурларын тақыдлады.

– Вилоят марказыда оммавий байрам чоралари бекор қилинди. Наврӯз байрамини ҳар бир фуқаро үз оиласы даврасыда күтиб олиш керак. Бу одамларнинг үз хавғасызлиғи учун муҳимдир. Шунинг учун, одамлар гавжум, күпчилік жойға бормаган маъқул, – деди Нурбек Садибекули.

Вилоят минтақавий коммуникациялар хизматы.



ҲАР БИР ОИЛА ҚҰЧАТ ҮТҚАЗДИ

Келес тумани фуқаролары қўкаламзорлаштириш ишларыда фаоллик кўрсатмоқда. Улар туман марказы Абай қишлоғида "Гулла, яшна, она юртим!" акциясини башлаб юборишиди. Тадбир давомида бир күнда мингта яқин дараҳт құчалары үтқазилди.

Ҳоқимликнинг 1 апрелга қадар ҳар бир оила томонидан 10 түпдан дараҳт құчаларын үтқазып ташаббусини

қишлоқ бийлари ҳам қўллаб-қувватлашмоқда. Шунингдек, қишлоқ оқсоқолларига иғлосланған аҳоли манзиллари фотосуратлари кўрсатилиб, улар ушбу масалани ҳал қилишга қарашышиди.

Ободонлаштириш тадбирларыда қатнашаётган фуқаролар үй-жойлары атрофини тозалаб, маҳаллий қабристонга туташ ҳудудга арча құчаларын үтқазышиди.

Үрмөн майдонларындағы кенгайиши муносабаты билан дараҳтзорларни барпо этиш тадбирларига маҳсус техника сафарбар этилмоқда. Ҳусусан, сўнгы уч йилда уларнинг сони 400дан ошди. Яқин келажакда 59та техника ва 48та қўшимча агрегат харид қилинди.

Туркистан шаҳрини қўкаламзорлаштиришнинг Мажмұавий режасига мувофиқ, үрмөн хұжалиғи ривожлантириш, кенгайтириш, атроф-мухитни муҳофаза қилиш дастурлары жадал амалға оширилмоқда.

Илмий ҳисоб-китобларга кўра 1 гектар үрмөн йилда 18 млн. куб. м. ҳавзона тозалаб, бир күнда 11 тоннадан зиёд зарарлы газларни ютиб, атроф-мухитни тозалаб туришга қодир.

Вилоят ҳокимининг матбуют хизматы.

ОБОДОНЧИЛИК ВА ТОЗАЛИК – ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Туркистан вилояті ҳудудида 2025 йилга қадар 110 мингектардан зиёд майдонда 170 млн. туп дараҳт құчаты үтқазилади.

"Яшил белбоғ"нинг аксарияти вилюят марказыда жойлашади. Ушбу аҳамиятли тадбир давлат қарбари тадбирнинг Қозоғистон халқында Мактубида белгиланған вазифаларга мувофиқ амалға оширилмоқда. Шунингдек, юртимиз Мустақилликнинг 30 йиллиги арағасыда вилоят ҳокими Ү. Шүкев ташаббуси билан минтақада 30 млн. дан зиёд дараҳт құчаты үтқазилаади.

Вилоядта 3 млн. 131 мингектар үрмөн жамғармасы мавжуд. Ҳоким та-

шаббуси билан Туркистан шаҳрининг Баш режасига мувофиқ шаҳар атрофидаги 7700 гектар ҳудудда "Яшил белбоғ" барпо этиш тадбирлари йил охиригача түлиқ яқунланади.

Бундан ташкири, "Қазатомсаноат" ҲЖ билан ҳамкорликда 7000 га. майдонда япроқлы ва саксовул дараҳт құчаларын үтқазып ташаббусини

шаббуси билан Туркистан шаҳрининг Баш режасига мувофиқ шаҳар атрофидаги 7700 гектар ҳудудда "Яшил белбоғ" барпо этиш тадбирлари йил охиригача түлиқ яқунланади.

Үрмөнде артада 10 түпдан дараҳт құчаларын үтқазып ташаббусини

ЙИЛ САРҲИСОБИ – ПРЕЗИДЕНТ КИТОБЛАРИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қозогистон Президенти ўз нутқларида мамлакатнинг халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш, дунёвий ва минтақавий алоқаларни ривожлантиришга содиқлигини яна бир бор тасдиқлади.

2020 йил 16 марта давлат раҳбарининг телемурожаати эълон қилингач, кенг камровли ишлар амалга оширилди.

Анъанага кўра Президент матбуот хизмати бу йил Қасим-Жўмарт Кемелулининг нутқлари тўпламини нашр этмоқда. Уч

жилдан иборат китобда Давлат раҳбарининг вилоятларга хизмат сафари чоғидаги нутқлари, мурожаатлари ва баёнотлари, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари мухбирлари билан сұхбатлар, турли нашрларда чоп этилган мақолалар көлтирилган.

Биринчи ва иккинчи жилларга Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг СОВИД-19 пандемиясини енгишга ва иқтисодий тараққиётни тиклашга оид маърузалари, аҳоли фаровонлигини ошириш юзасидан давлат олдида турган вазифалар тўғрисидаги

мулоҳазалари, шунингдек, дунёвий аҳамиятга эга халқаро конференциялардаги нутқлари чоп этилган.

Учинчи жилда Давлат раҳбарининг маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида чоп этилган мақолалари ва мусоҳабаларига ўрин берилган. Ушбу материалларда Қозогистоннинг халқаро вазиятга муносабати, долзарб ички сиёсий масалалар бўйича мулоҳазалари көлтирилган.

ҚР Президентининг Матбуот хизмати ушбу З тўпламни Қасим-Жўмарт Кеме-

лули томонидан йил давомида амалга оширилган ишларнинг умумий холосаси сифатида ўқувчиларга тақдим этади. Шунингдек, тўпламга Давлат раҳбари иштирокидаги учрашувлар акс эттирилган фотосуратлар киритилган.

Рисолада нашр этилган материаллар ёш тадқиқотчилар ва давлат идоралари ходимлари учун қимматли ва фойдали ҳужжат бўлади.

Newtimes.kz.

ДУОГЎЙ КЕКСАЛАР – БАХТУ САОДАТИМИЗ



Тулкибош туманида дуогўй кексалар фотиҳа бериш танловида иштирок этишиди. Юртимиз Мустақиллигининг 30 йиллиги ва Наврӯз байрами арафасида «Боболарни ёдга олиш ва фотиҳа куни» муносабати билан ташкил этилган тадбирнинг мақсади – анъанавий фотиҳаларни кейинги авлодга тарғиб қилиш ва қадими урғ-одатларни янгилашдан иборатди.

Танловда барча қишлоқ округларининг дуогўй кексалари иштирок этиди. Фотиҳа танловининг якуни бўйича «Энг дуогўй қария» номинацияси билан 1-ўринни Мичурин қишлоқ округидан Жарилқасин Бекжанов эгалласа, 2-ўринни Майликент қишлоқ округидан Аспандияр Келимбетов ва 3-ўринни тулкибошлиқ Ермакан Даулетов ҳамда Кемербастау қишлоқ

округидан ҳофиз Ержан Абдиҳаликовлар эгалладилар.

Тадбир сўнггида совринли ўриннларни эгаллаган оқсоқолларимиз туман фахрийлар кенгаши томонидан қимматбаҳо совғалар ва ташаккурномалар билан тақдирланди.

С. ШАРИФБОЕВА.

• Маънавиятли ёшлар – ватан таянчи

“ИСТИҚЛОЛ ҚАЛДИРҒОЧЛАРИ” ТАНЛОВИ ЎТДИ

Туркистон вилоятининг ижтимоий тараққиёт бошқармаси, Қозогистон Ёзувчилар уюшмаси Туркистон вилоят филиали ташабbusi билан “Истиқлол қалдирғочлари” мавзууда ижодий танлов ташкил этилди.

Туркистон вилояти ва Шимкент шаҳрининг 30 ёшгача бўлган ижодкорлари иштирок этган танловда 100дан зиёд ижодий ишлар сараланиб, ёзувчи, “Алаш”, “Туркий оламга хизмати учун” мукофотлари соҳиби Марҳабат Байгут раҳбарлигидаги минтақамизнинг таникли шоир-ёзувчилари томонидан муносаб бахосини олди. Туркистон шаҳридаги “Ташриф маркази”да уюштирилган тақдирлаш маросимида ҳакамлар ҳайъатининг қарори билан ижодлари энг яхши деб тан олинган 12 нафар ёш ижодкор пул мукофотлари билан тақдирланди.

Шунингдек, мазкур тадбирда ижтимоий тараққиёт бошқармаси раҳбари Дамир Жунисов, Nur Otan партияси Туркистон вилоят филиали раисининг биринчи

ўринбосари Бейсен Тажибаев, Қозогистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят филиалининг раиси Алибек Шегебай, Қозогистон Журналистлар уюшмаси вилоят филиалининг раиси Фалимжан Елшибай, зиёлилар ва ОАВ вакиллари иштирок этишиди.

Ижтимоий тараққиёт бошқармаси раҳбари Дамир Жунисов мазкур тадбир ҳақида шундай деди:

– Мустақилликнинг 30 йиллиги доирасидаги тадбирларнинг дебочаси сифатида уюштирилган танлов улкан аҳамиятга молик. Сабаби, Мустақилликнинг 30 йилида элимиз кўлга киритган муваффакиятларини тарғиб қилиш жараёни қўлига қалам олган шоир-ёзувчилар ва журналистлар мөхнати орқали амалга ошади. 30 йилликка багишланган танловда 30 ёшгача бўлган ёшларни иштирок эттиришдан мақсадимиз – Мустақилликнинг қадр-кимматини шу йилларда туғилган ёшларнинг қалами, қудрати орқали ҳис этиш, қадрига етиш. 100дан зиёд ёшлар орасидан қалами

ўтқир деб танилган ғолибларни табриклайман. Ушбу йўналишдаги тадбирлар давом этади, – деда танловда иштирок этган ижод маҳсуллари алоҳида тўплам сифатида нашр қилинишини маълум қилди.

“Истиқлол қалдирғочлари” танловининг публицистика жанри бўйича совринли 1-ўрин Мария Саулебекқизига насиб этса, 2-ўринни Фалия Бисейит, 3-ўринни Абден Загипа эгаллади. Рағбатлантирувчи мукофотлар билан Айман Қадир, Мафтұна Нажиева, Женис Нурдаулетлар тақдирланди. Поззия жанри бўйича 1-ўринни Алимжан Алишер, 2-ўринни Ердаулет Айнабекули эгаллашди. 3-ўрин соҳиби Нуркен Нургази маҳсус диплом билан тақдирланди.

Танлов ғолибларини тақдирлаш маросими “Тўнгич Президент” истироҳат боғидаги маҳсус жойларга дарахт ўтқазиш таддии билан давом этди.

Вилоят минтақавий коммуникациялар хизмати.

Аҳли Турон, бирлашинг!

ТУРКИЙ ТИЛЛИ ДАВЛАТЛАР РАҲБАРЛАРИ
ТУРКИСТОНДА УЧРАШАДИ

Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг норасмий саммити 31 марта куни Туркистонда ўтади. Унда кенгашига аъзо барча давлатлар раҳбарлари иштирок этади.

31 марта куни Қозогистоннинг Туркистон шаҳрида Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши (ТТДҲК) норасмий саммити бўлиб ўтади, деда хабар берди ҚР Ташқи ишлар вазирлигининг матбуот хизмати.

Саммит Элбоши, Қозогистоннинг Тўнгич Президенти Нурсултан Назарбаев ташаббуси билан чақирилмоқда. Унда ТТДҲКга аъзо барча давлатлар раҳбарлари ҳамда мазкур ташкилот кузатувчиси ҳисобланган Венгрия бўш вазари иштирок этишини тасдиқлаган.

Саммит якунлари бўйича Туркистон – Туркий оламнинг маънавий пойттаҳти, деб эълон қилишни кўзда тутган декларациянинг имзоланиши кутилмоқда.

ТТДҲК бир қатор туркий тилли давлатларни (Озарбайжон, Қозогистон, Қирғизистон, Туркия ва Ўзбекистон, кузатувчи мамлакат Венгрия) бирлаширади. Ташкилот котибияти Истанбул (Туркия)да жойлашган.

Tengrinews.kz.

АРИСЛИК БУВИЛАР БЕЛЛАШГАНДА...



Арис шаҳрида “Улуснинг улуғ куни Наврӯз” номли тадбирда бувижонлар волейбол, арқон тортиш, қўл кураши, шашка ва миллий тош ташлаш каби ўйинларда куч синашди. Беллашувда ҳакамлар қилиш вазифаси шаҳар фахрийлар кенгаши, ноҳукумат ташкилотлари, ОАВ вакиллари зиммасига тушди.

Волейбол бўйича Арис шаҳридан “Ақ өжелер” жамоаси 1-ўринни, Ақдала қишиғидан “Айпара Ана” жамоаси 2-ўрин, Мўнгтайт қишиғидан “Үкілмай” жамоаси 3-ўринни эгаллашди. Арқон тортишида мўнгтайтаслик бувиларнинг олдига тушадигани топилмади.

Тадбир якунида ғолиб онахонларга медаллар ва кубоклар, ташаккурномалар топширилди.

Туркистон вилоят минтақавий коммуникациялар маркази.

ҚОЗОҒИСТОНДА КОЛЛЕЖГА КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Қозогистонда коллекларга кириш имтиҳонлари ўтказилмайди. Бу ҳақда ҚР Таълим ва фан вице-вазири Бибигул Асилова маълум қилди.

– Вазирлик маҳаллий ижро органлари билан ҳамкорликда маълум бир талабага маблағларни олишнинг янги дастагини ишлаб чиқди. Илгари вилоят таълим бошқармалари коллеклар учун давлат буюрмасини олган бўлса, энди янги дастакка биноан ОЎЮ ва «Балапан» дастури каби, бўлғуси талабалар коллеж ва мутахассисликни ўзлари танлайдилар, – деди вазир Ҳуринбосари. – Янги тартибга мувофиқ, педагогик, тиббёт ва ижодий мутахассисликлар бўйича маҳсус тест синовларидан ташқари, коллекларда кириш имтиҳонлари бўлмайди.

24 kz.

Жортим бўйлаб кезар

Қадрли туркестонли бир! Барчангизни Улуснинг улуг куни – Наврӯз байрами билан самимий табриклайман. Баҳор, яшириш ва янгиланиши рамзига айланган Наврӯзни барчамиз бир оила фарзандларидек шоду хуррамликда кутуб олайлик ва ўтказайлик.

Наврӯз энг қадимий миллий айём бўйибина қолмай, табиат гўзаллигини намоён этадиган, эл бирлигини мустаҳкамлайдиган, урф-одатларимиз ва қадриятларимизни тараннум этадиган байрам. Кўклиминг латофатли айёми – хосияти ва файли Янги йилингиз муборак бўлсин! Барча ҳамюртларимизга омонлик, сиҳат-саломатлик, оиласларига хотиржамлик тилаб қоламан.

Бадриддин НИШОНҚУЛОВ,
Туркестон вилоят маслаҳати депутати.



Матбуот орқали жамоатчиликка юзланиш анъанаага айланди. Чунки, бу йил таваллудига 30 йил тўлудиган “Жанубий Қозогистон” газетасини ёшу қари ҳам, дэхқону зиёли ҳам мутолаа қиласди. Даврий нашрлар саҳифаларида дил сўзларингни изҳор этиб, она ҳалқинга яхши ниятлар билдириб, ҳақига дуо қилиш ҳам фарзде, менумча.

Шу боис Наврӯз байрами муносабати билан барча муштариликларни табриклайман. Уларга қалбимдаги энг эзгу, самимий тилакларимни билдираман.

Абдурасул АҲМЕДОВ,
17-сонли умумий ўрта мактаб директори, Қорабулоқ қишлоқ ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси.



Хурматли ҳамюртларимизни ҳамда Саврон тумани қишлоқ ҳўжалиги ходимларини шу туман тарихида илк бор нишонланадиган Наврӯз айёми билан Қорачик қишлоғидаги “Турон” ҳўжалиги жамоаси номидан самимий муборакбод этаман.

Элбошимиз, Тўнгич Президентимиз Нурсултан Назарбаев падари бузрукворим, “Парасат” ордени соҳиби Ҳабибулла Азимов Қорачикда бунёд этган корхонага ташриф буюриб, пахта кластерини амалда жорий этгани учун самимий миннатдорчиллик билдиргани, шу ерда тайёрланган газламага “Зор табыс тілеймін” деб дастхат өзиб бергани шонли тарих ҳамда биз, ёш тадбиркорлар учун келажакка мухим ўйламна.

Янги иш ўринларини яратиш, қишлоқни обод этиши, давлатимиз томонидан белгиланган бунёдкорлик режаларни амалга ошириш биз учун энг олий мақсад.

Азизбек ҲАБИБУЛЛА ўғли,
тадбиркор.



Барчангизни баҳор байрами – Наврӯз айёми ила табриклайман. Табиат ўзининг фусункорлиги, жозибадорлигини кўз-кўз қилиб, қалбларга кувонч багишлади. Байрам баҳона барчангизга тани-соглик, омонлик, хонадонингизга осоишшаталик тилайман.

Келаётган Наврӯз юртимизга тинчлик, элизимизга тотувлик олиб келсин.

Юртимиз Мустақиллиги ва “Жанубий Қозогистон” вилоят газетасининг 30 йиллигини муносабати билан барча эзгу ниятларингиз амалга ошаверсин!

Муҳиддин СИДДИҚОВ,
100-сонли умумий ўрта мактаб директори,
Сайрам туман маслаҳати депутати.



Барчангизни баҳорнинг гўзлабайрамларидан бир – Наврӯз айёми билан чин юракдан муборакбод этаман. Бу кун табиат ҳам ўзининг бор маҳоратини намоён қилиб, фусункорлигини кўз-кўз қилмоқда. Қалбингизни чулғаб бораётган ажаб бир туйгудан борликнинг янада жозибадорлиги, она заминнинг янада фараҳбахшилигини туясиш.

Жорий йилда Мустақиллигининг 30 йиллигини нишонладиган юртимизга тинчлик, омонлик олиб келаётган улуг кунда барчангизга мустаҳкам соглик, оипангизга фаровонлик тилайман.

Ғанишер РАЙМҚУЛОВ,
Сайрам туман ўзбек этномаданият
бирлашмаси раиси,
Сайрам туман маслаҳати депутати.



Юртга келган тўй – карантин чоралари туфайли ўтган йили Наврӯз байрамини нишонлаш тақиқланган ва натижада ўзбек этномаданият бирлашмаларининг “Дўстлик” ҳамжамияти ҳамда туман, шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмалари раҳбарлари ташаббускорлигида байрам шодиёнаси ўз ширинниклари ва паловхонтўра билан хонадонларга ташриф буюрган эди. Жорий йилда ҳам чекловлар анча сусайгани таъсир қилдими ёки баҳор фаслига қарамай ёғингарчиликларга сероб бўлганиданми, кўкламойни соғинган юртдошларимиз ўзбек этномаданият бирлашмалари ташаббускорлигида яна бир хонадонда баҳор нашидаси, тансиқ таоми – сумалак қайнатилди. Бу галги тадбир журналистлар учун ўюстирилди. Республика ОАВ журналистлари билан ҳамюртимиз, нафақадаги устоз Раҳима Норалиева хонадонига кириб келганимизда сумалак дошқозонда аллақачон қайнаётган экан.

Байрам ташаббускорларида бир, Шимкент шаҳар ал Форобий туман ўзбек этномаданият бирлашмаси раисаси Нурхон Жамол қизини сұхбатга чорладик.

– Тележурналистлар, республика журналистлари миллий Наврӯз таомларимиз тайёрланишини тасвирга олиш ниятида, ушбу тадбирни ўюстириб беришни сўрашибди. Фаол юртдошларимиздан, собиқ ҳамкасбим, ташкилотимизнинг барча тадбирларида фидойилик кўрсатиб келаётган Раҳима опанинг саъй-ҳаракати билан эрта тонгдан 200 литрли қозонга ундирилган буғдой шарбати қуилиб, тайёргарлик бошланиб кетди. Телевидение, турли интернет сайtlари ходимлари сумалак тайёрлаш жараёнини тасвирга туширишибди. Раҳима опа бугунги сумалак сайлига миллатимизнинг ажойиб анъаналарини сизларга намойиш этишга ҳам тайёрлаб кўйибди. Юринглар, биргаликда томоша қиласди. Ахир бугун байрам журналистлар учун ўюстирилди.

Ҳамкасларим, “Южный Казахстан” газетаси мухбири Алиса Масалёва, liter.kz нашридан Ирина Абрамовалар бу шохона таомни тайёрлаш сир-асрорларидан вояки бўлиш билан овора бўлишибди. Мен эса сумалак тайёрлашнинг бутун масъулиятини ўз зиммасига олган ва капирини қозондан узмайтган, қозон ёнидан муқим ўрин эгаллаган онахон томон йўл олдим.

Фотима опа Раҳматуллаева келгуси йили пайғамбар ёшига тўлишига қарамай, мана 40-йили сумалак қайнатаётган экан. Марҳум, ойиси (кайнонаси эмас, ойижониси деб ёзинг, деб тайинлади) бошлаган сумалак қайнаташиб сир-асрорини Нишонбуви аядан ўрганибди. Унинг дуосини олибди. Умр йўлдоши улкан қозонда онасининг фотиҳаси билан ҳалим тайёрлашни касбу корига айлантирса, Фотима опа “сумалакчи опа” бўлди. 9 фарзанднинг онаси, 30га яқин неварарининг бувиси бу касбни фарзандларига ҳам ўргатди. Икки ўғли ҳамда келинлари ҳам майса чиқиши билан маҳалладошларининг оилаславий тадбирларида бош-кош бўлишади.

“Журналистлар” сумалагига марҳамат!



– Фотима опа, “журналистлар сумалагига” неча кило буғдой ундиридингиз?

– дейман опанинг қўлидаги капирни олишга уриниб. – Мен ҳам қозон бошида яхши ниятларимни айтади.

Кўпчиликнинг, узоқ яқиндан келган хонадон яқинларининг дуолари йўналтирилган, саъй-ҳаракатлари жойланган, пуфаклари чиқиб қайнатаётган қозонни аралаштирир эканман, баркамол 30 ёшини қаршилаётган “Жанубий Қозогистон” газетаси жамоасига, у ерда фаолият юритаётганимга чорак аср бўлаётганилиги ва ўша касбу корим туфайли кўп фидойи инсонлар билан учрашиш баҳтини насиб этган Яратганга дуолар қилдим, шукронлар келтиридим. Бу ерда туришимнинг боиси ҳам, сабабчиси ҳам айнан севимли касбим эканлигидан дилимда тақрор ва тақрор миннатдорлигимни айтдим. Кўлим сұхбатдошлариминг фикрларини қозогза тушириш билан банд бўлса-да, қалбим ўз шукронасини дил розилларни билан ифодалар эди...

– Ўтган йили қандай ўтди. Карантин чекловлари шароитида ҳам сумалак пиширганлар бўлдими?

– Халқимиз нима бўлганда ҳам анъаналарини улуғлайдиган ва унутмайдиган халқ. Яхши ният билан кўп одамни жамламай тадбир ўюстирганлар бўлди. Мазкур хонадон ҳам қайноғамнинг хонадонлари.

Бу ерда ҳам тайёрладик. Эҳтиёт чораларини кўриб, пиширдик. Касаллик чекинини Аллоҳдан сўрадик.

– Демак, пандемия ўз йўлига бўлибди-да...

Сумалак сайли ўтказилаётган Раҳима опа хонадонида ҳар йили сумалак қайнайди. Баъзи йиллари ҳатто 3-4 марта билан қайнар экан. Ота-онасинынг тўнгич фарзанди, етти қиз ва икки ўигил оиласининг бош фарзанди. Бу уйда ҳозир тўрт оила истиқомат қиласди. Жорий йил бошида бу хонадонда тўй бўлиб, Воҳиджон жиянига гўзлаб Муножотхонни келин қилиб узатиб олиб келишибди. Муножотхон, Фотимахон тадбир иштирокчиларига келин салом қилишиб, миллатимизнинг эн нозик одатлардан бирини намойиш этишиди.

Раҳима опа 40 йиллик умрини 13-сонли Муқимий номидаги мактаб ўқувчиларига таълим-тарбия беришга багишлаган.

Норалиевлар хонадонида 50 йилдан бўён сумалак қайнатилар экан. Қариндошлири бир дастурхонга жам бўлади. Ота-онарининг қувончига гувоҳ бўлган хонадон бундай кунларни яна кўплаб кўриши керак. Миллатимиз жонкуяри, Шимкент шаҳар ал-Фаробий туман ўзбек этномаданият бирлашмаси қошидаги оқсоқоллар кенгashi раиси, тадбиркор Орифжон Холназаров, таникли тадбиркор Шуҳрат Рўзиматов, Енбекши тумани ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Тоҳир Нишонбоевлар ҳам ниятларини айтиб, қозон бошига боришиди.

Норалиевлар хонадонида уюстирилган тадбир ОАВ орқали, интернет саҳифаларида ҳам кўпчиликка етиб бориши шубҳасиз. Ажойиб таом туфайли кўпчилик учрашиб, бир дастурхон атрофида дуо килишибди.

Анъаналаримизни улуғлайдиган шундай хонадонлар бор экан, дастурхонла-римиздан файз кетмайди, кўча таомлари, турли фаст фудлар шоҳона таомларимизнинг ўрнини босмайди.

Қани, сумалакка марҳамат!
Мунира САҶДУЛЛАЕВА.

Наврӯзи олам!



Қозоғистон Республикаси Мустақиллик ининг, "Жанубий Қозоғистон" вилоят газетасининг 30 йиллигини қарши оладиган йилдаги байрам ўзгача. Ҳар бир инсон баҳорни интиқ кутади. Чунки у – янгиланиш, яшарии фасли. Она замин бағрани ёриб чиққан гиёх ҳам, самони күчган қуш, куртак ёзған новдалар ҳам күкламиň ўзгача қарши олади.

Күкламиňг фусункор байрамлари қалыптырылышын шодлукка, қувончга бүркайды. Ҳаёт янада гўзалроқ туюлади, мафтункор нигоҳингиз ила атрофга бокиб тўймайсиз. Беихтиёр кўлингизни дуога очасиз – шу кунларга етказганига Аллоҳга минг бора шукронга келтирасиз.

Оиласизга осойишталик, дастурхонингизга қут-барака тилайман. Байрамингиз муборак бўлсин!



Зокиржон МАВЛОНҚУЛОВ,
3-сонли Ҳамза номли умумий
ўрта мактаб директори.

Мустақиллик ининг 30 йиллиги ва қадрдан "Жанубий Қозоғистон" вилоят газетасининг 30 йиллиги арафасида нишонланадиган 2021 йилги Наврӯзи байрами билан барча ҳамюртларимни Аҳмад Юғнакий номли мактаб жамоаси номидан муборакбод этиб, элимизга соғлиқ-омонлиқ, осойишталик, юритмизга фаровонлик, ёшларга баркамоллик тилайман.

Президентимиз Фармони билан қишлоғимиз ҳам 12ta қишлоқ округи қаторида Саврон тумани тасаруфиға ўтди. Энди қишлоқ хўжалиги соҳасига қаби, таълим-тарбия соҳасига ҳам ётибор кучаяди.

Улуснинг улуғ куни, қутлуг байрам муборак, қадрли юртдошлар!

Дилмира ФАЙЗИЕВА,
А. Юғнакий номли мактаб директори.



Баҳорнинг завқли нашидасига мусасар бўлишининг ўзи улкан баҳт. Сиз ва биз бугун мана шу баҳтга эришиб турбимиз. Албатта, Истиқлолнинг 30 йиллигини муносаб нишонлаша тараффудидаги Қозоғистон диёримиз билан бирга. Баҳоримиз, унда нишонланадиган Наврӯзи олам муборак бўлсин. Элимизга Наврӯз келдими, демак, яхши ниятлар, эзгу умидлар барчамизга эш бўлади.

Яна бир бор байрам муборак бўлсин!



Бобур ШОРАСУЛОВ,
Сайрам туман
маслаҳати депутати.

Эътибор ва эҳтиром ифодаси

Қорачик қишлоғида Наврӯз айёми арафасида залворли ишлар амалга оширилмоқда. Қорачик қишлоқ ўзбек этномаданият бирлашмаси томонидан ёши улуғ кайвони онахонлар, меҳнат фахрийлари ва қадрли устозларга эҳтиром кўрсатилиб, мукофотлар топширилмоқда.

Қишлоқ ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Мирзахон Адҳамов, унинг ўринбосарлари Қодир Ахмедов ва Сафидулла Қўшоновлар 100 ёшли Нозира Маменова, 96 ёшли Кимё Исмоилова, 95 ёшли Ирис Мухитова, 86 ёшли Зоя Аминова, 83 ёшли Идан Носирова, меҳнат фахрийлари Озода Мадалиева ва Гулзода Эрметоваларга "Оламнинг асли" медалини тақдим этдилар.



93 ёшли Қумри Юнусовага ҳам байрам совғалари топширилди. 86 ёшли азиз устоз Фаттоҳ Абдалимов, фахрий муаллимлар Махфират Оллоберганова ва Малика Худойбер-

ганова, бошлангич синф ўқитувчиси Саида Шарипова "Мөртебелі ўстаз" медали билан тақдирланди.

С. ТУРСУНМАТОВ.

Суратда: тадбирдан лавҳа.

Қозоғистон Республикаси Мустақиллик ининг 30 йиллиги арафасида сизларни кириб келаётган баҳор айёми – Наврӯз шодиёнаси ила чин дилдан кутлайман. Мусулмон тақвимида Наврӯз – янги йил, янги кун демакдир. Наврӯз янгиланиш, яшарис демакдир. Демак, биз ҳам барча ёмон иллатларни ортда қолдириб, янги йилдан фақат яхшилик, эзгулик тилайлик. Аллоҳум ушбу кунда барчангизни магфират аллаб, ҳар бир яхши ниятларингиз амалга ошишига тилакдошман.



Саидахмад МИРЗАЕВ,
М. Қошғарий номли
ўрта мактаб директори.

Президентимиз Фармони билан яқинда Саврон тумани ташкил этилиб, Чўрноқ қишлоғи Саврон тумани марказига айланди.



Наврӯзи олам байрами тантанаси ўзгача, янги рӯҳ, янги режалар билан кириб келмоқда. Дехқончилик, бодорчиллик учун зарур бўлган оби ҳаётни ер остидан чиқаруб, экинзорларни сугоришдек муҳим ишга корхонамиз "Туркистон-насос" жамоаси муносаб хисса кўшиб келмоқда. Чўрноқлик уруш фаҳрийси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Қурбонбой Ирисбековнинг янгин қариндоши сифатида меҳнатда қаҳрамонлик кўрсатиш учун гайрат камарини боғлаганимиз. Мен шу соҳада давлат ҳамда жамоат ташкиллари мукофотлари соҳиби, Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси, Туркяниш Сиваш шаҳри фахрий фуқароси сифатида мана шу ижобий ўзгаришлардан илҳомланниб, янги гайрат билан меҳнат қилишга шаймиз.

Қаҳрамон ИРИСБЕКОВ,
"Туркистон-насос" МЧБ раҳбари.



Элимизда Наврӯз тананаларига тайёргарлик қизғин давом этмоқда. Шимкент шаҳрининг Сайрам даҳасидаги Маданият уйида ушбу қутлуг сана доирасида "Шажара куни" нишонланди.

"Мангу эл – мангу мерос" мавзуида уюштирилган мазкур тадбирда таникли сухандон Абубакир Ҳонхўжаев, "Сайрам" ижодий уюшмаси раиси Ҳолмурод Умаров, аъзолари Тоҳир Мавлонқулов, Шоира Ашурметова, Зухра Ашурметова фаол иштирок этишиди. Ҳаваскор ижроципар томонидан томошибинлар

эътиборига ҳавола қилинган Шўқан Уалиханов, Абай Қунанбаев, Амир Темур, Ибрай Алтинсарин, Алишер Навоий, Бобур, Нодира каби ҳалқимизнинг атоқли шоир, мутафаккир ва саркардариликнинг ёрқин образлари барчада катта таассурот қолдириди. Шимкент шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раисининг ўринбосари Тоҳир Нишонбоев иштирокчиларни байрам билан қутлаб, маданият муассасасига ҳомийлик ёрдами кўрсатишни ваъда қилди.

Тадбирни уюштиришда Сайрам ва Қоратепа даҳасидаги Маданият уйлари директорлари Азиза Қурманбаева ҳамда Баҳром Бегметов жонбозлик кўрсатишиди.

З. МЎМИНЖОНОВ.

Тасвирида: тадбирдан лавҳа.



Беш устоз – пешқадам бўлди

Наврӯз байрами арафасида ҚР Таълим ва фан вазири Асхат Аймагамбетов онлайн тарзда Жанубий Қозоғистон давлат педагогика университетининг бир гуруҳ устозларини муборакбод этиди.

Тантанали тадбирда ўкув даргоҳининг ректори Гулжан Суғирбаева "Олий ўкув юртининг энг яхши ўқитувчиси – 2020" номинацияси голиби

беш устозга вазир номидан маҳсус нишонларни тақдим этиди. Ректор педагогика фанлари доктори, доцент, математика кафедраси мудираси Рўзга Қадирбаева, мактаббагача ва маҳсус педагогика кафедраси мудираси, филология фанлари номзоди, доцент Жанар Масалиева, педагогика фанлари номзоди, хориж тиллари кафедраси доценти вазифасини бажарувчи

Қалия Қиясова, тарих фанлари номзоди, Қозоғистон тарихи ва ижтимоий фанлар кафедраси доценти Айгул Есимова ҳамда қозоқ тили ва адабиёти кафедраси доценти вазифасини бажарувчи PhD доктори Ақбилик Минбаева – маҳсус гувоҳномаларни топшириб, келгуси ишларига муваффақият тилади.

Н. МАВЛОНОВА.

Юртим бўйлаб

Сизларни ўлкамизга ташриф буюраётган баҳор айёми – Наврӯз байрами билан чин дилдан муборакбод этаман. Мустақиллигимизни қўрга киритган 30 йилдан бўён нишонланиб келаётган Наврӯз байрамининг завқи, шавқи ўзгача. Ушбу кунларда барчангизга тани соглик, дастурхонингизга барака, оиласизга осойишталик тилайман.

Муроджон САЙДАЛИЕВ,
“Далабозор” ўрта мактабининг директори.



Баҳор – байрамларга бой ой. Айниқса, элимиз Наврӯз айёмини севиб, улуғлайди. Бу кунда барча гина-кудратлар унтилиб, қалбларни поклайдилар. Баҳорнинг гўзал таровати ила инсонлар қалбига эзгулик, сахиийлик, инсонийлик каби фараҳбахш туйғуларни ато этаётган ушбу кунда Истиқполнинг 30 йиллигини нишонлаш арафасида турган элу юртимизга тинчлик-тотувлик, дастурхонингизга барака, соглик-омонлик тилайман.

Абдинаби ТЎЙЧИЕВ,
“Аксупроектстрой” МЧБ директори.



Инсоният неча асрлардан бўён Наврӯз байрамини нишонлаб келади. Демак, бу байрам ҳар томонлама мусулмонларга хос, одамларга ёқадиган айём экан. Дошқозонларда сумалаклар, кўк сомсалар ва ялпиз чучвараларнинг хидлари иштахани қитиқлаб, Наврӯзининг ўзига хослигини намоён этади. Шундай улуғ кунда жорий йилда 30 йиллигини нишонлайдиган “Жанубий Қозоғистон” газетаси муштарилиги омонлик, тинчлик, осойишталик тилаб қоламан.

Абдираҳим ОТАХОНОВ,
Қ. Сатпаев номли умумий ўрта мактаб директори.




Наврӯз – гўзал айём. У инсонларда одамийлик, саховатпешалик, меҳр-муҳаббат каби эзгу туйғуларни уйғотади. Яшаришга, яшнашга чорлайди. Ушбу кунда барча момоларимиз, донишманд қарияларимиз фотиҳалари, дуолари ҳамиша ижобат бўлиб, Истиқполнинг 30 йиллигини нишонлаш арафасидаги юртимизга равнақ, келаси Наврӯз байрамларига омон-эсон етиш насиб этишини Аллоҳдан тилайман.

Фахриддин СОҒИНБЕКОВ,
Т. Рустамов номли гимназия-мактаби директори.



Наврӯз байрамини миллатидан қатъиназар, Мустақиллигига 30 йил тўлаётган Қозоғистондаги, хусусан, вилоятимиздаги барча ҳалқлар кенг нишонлайди. Том маънода, Наврӯзни уйғониш, янгиланиш фасли, ҳалқлар дўстлигининг янги саҳифаси деб атасак, янглишмаймиз. Энг бебаҳо неъматимиз, тараққиёт ва уйғунлик асоси ҳисобланмиш ҳалқлар дўстлиги байрами барчага муборак бўлсин!

Баҳодир СИДИҒАЛИЕВ,
М. Анортөев номли мактаб директори.



Жануб – дехқончиликка ихтисослашган замин. Табиийки, Наврӯз байрами, дехқон бобонинг анъанавий, тантанавор, яхши умидлар, тараққиётни кўзловчи орзулари ушалишининг дастлабки куни ҳамдир. Истиқполнинг 30 йиллиги арафасидаги юртимиз тараққиётига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшаётган, ерга уруғ қадаб, иқтисодиётимизни юксалтириб, фаровон ҳаётимизга замин ярататётган бободехқонларимизга улкан зафарлар тилаймиз. Шунингдек, Улуснинг улуғ байрамида юртимизга тинчлик омонлик, ризқ-барака, мўл ҳосил тилайман.

Раймқул ТОЖИМЕТОВ, тадбиркор.



Қадимги Шарқ ҳалқаридан қолган ёдгор айёмлар ичida энг фусункори ва бетакори Наврӯзи оламдир. Шундай экан, байрамларнинг энг қудратлиси – Наврӯз барчага муборак бўлсин. Ушбу улуғ кунда бир-бири мизнинг гуноҳларимизни, гина-аламларимизни кечирайлик, дўсту ёронлар, қариндошуруғлар билан дийдорлашайлик. Юртимиз Мустақиллигининг 30 йиллиги ва “Жанубий Қозоғистон” газетасининг 30 йиллигини муносиб кутиб олайлик.

Тотувлигимиз янада мустаҳкамланаверсин!

Байрам барчага муборак бўлсин!

Қайнар РАЙМҚУЛОВ,
“Адал-кемек” хайрия жамғармаси раиси ўринбосари.



ТУРКИСТОН ВИЛОЯТИНИНГ ҚАДРИ ВА ФАҲРИ

Бу мақоланинг ёзилишига яқинда ҚР ўзбеклари “Дўстлик” ҳамжамиятининг “Дўстлик” ҳамда вилоят зиёлиларининг “Хурматли юртдошлар!” WhatsApp тармоғида эълон қилинган хабарлар туртки бўлди. Йиллар давомида барча асосий фанлар қаторида ўтказилиб келинаётган ўзбек тили ва адабиёти фан олимпиадаси жорий йилда ҚР Таълим ва фан вазирлиги томонидан тасдиқланган умумий рўйхатга киритилмай қолган эди. Вилоятимизда 100дан зиёд ўзбек тилида таълим берувчи мактаб мавжуд бўлгани боис, бу ҳолат ҳаммани ўйлантириши табиий. Ҳар галгидек, бу борада биринчи бўлиб яна туркистонлик жон-куярлар тезкорлик билан ушбу муаммони кўтариб чиқди. “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетасининг Туркистон ва Кентов шаҳарлари, Саврон туманидаги маҳсус мухбири Шомирза Мадалиев тошкент давлат университетининг журналистика факультетида таҳсил олди. У “Дўстлик” ҳамжамияти раиси И. Ҳошимжоновга мурожаат қилиши боис, бу масала ҳам ижобий томонга ҳал этилганини юқорида тилга олинган ижтимоий тармоқлардаги эътирофлардан кўришимиз мумкин. Хат асосида ҚР Таълим ва фан вазири А.Қ.Аймагамбетовга расман мурожаат қилинди ва жорий йил 9 марта куни вазирликдан ўзбек, тоzik ва уйғур тилларида фан олимпиадаларини вилоят миқёсида ўтказиш юзасидан мутасадди ташкилотларга расмий хат келди.

Кун қаҳрамони Ш. Мадалиев 1963 йил 25 марта Қорачик қишлоғида дунёга келган. 10 ёшлигига ёк “Ленин учқуни” газетасида унинг дастлабки мақолалари чоп этилган.

1982-1984 йилларда ҳарбий хизмат даврида “Искра” газетасида мақолалари чоп этилган.

Унинг оиласи ҳақиқий жон-куярлар хонадони, десак муబалага бўлмас. “Жанубий Қозоғистон” газетаси таҳририда фаолият юритаётган ва юритган биронта журналистнинг умр йўлдоши кўчама-кўча, бозорма-бозор юриб, вилоят газетаси тарғиботини амалга оширгаган. Ҳа, жонкуяр журналистнинг умр йўлдоши Шаҳзода Тўлқин қизи ана шундай ифтихор ила номини тилга оладиган аёлларимиздан. Улар З нафар фарзанди муносиб вояга етказиши. Қизлари Нодира Физика ўқитувчisi, Малика – доя-ҳамшира. Падари бузруквори изидан келаётган ўғли Рўзиохун “Туркистон” шаҳар газетаси таҳририятида мухбир ва таржимон бўлиб ишламоқда. Туркистон Тиббий олий коллежида таҳсил олаётган Дилфузахон отона дуосини олаётган келинлардан. 5 нафар невараси – оила қувончи. Зоро, зиёли инсоннинг оиласида зиё ила сугорилган гўзал ҳаёт ҳукмрон бўлгай.

Сайд ХАЙРУЛЛОХ.



ворли ишларни амалга ошириди. Ўзбек мактабларидаги таълим сифати, дарсликлар муаммоси, она тилимизнинг қўлланиш доираси каби масалаларда қонун асосида юқори органларга расман мурожаат этиб келмоқда. Туркистон ва Кентов минтақасидаги ижтимоий масалаларни ҳал этишда баҳоли қудрат иштирок этмоқда. Мехнат фаолияти давомида ҚР Тўнгич Президенти – ҚҲА Раиси Н. Назарбаевнинг Фаҳрий Ёрлиғи, юбилей медаллари ва кўкрак нишонлари билан тақдирланган акамиз вилоят ҳокимиининг “Бауырмал” мукофоти, ҚР ўзбеклари “Дўстлик” ҳамжамияти қошидаги “Ижодкор” адабий бирлашмасининг “Арғумок” мукофотларига ноил бўлган.

Унинг оиласи ҳақиқий жон-куярлар хонадони, десак муబалага бўлмас. “Жанубий Қозоғистон” газетаси таҳририда фаолият юритаётган ва юритган биронта журналистнинг умр йўлдоши кўчама-кўча, бозорма-бозор юриб, вилоят газетаси тарғиботини амалга оширгаган. Ҳа, жонкуяр журналистнинг умр йўлдоши Шаҳзода Тўлқин қизи ана шундай ифтихор ила номини тилга оладиган аёлларимиздан. Улар З нафар фарзанди муносиб вояга етказиши. Қизлари Нодира Физика ўқитувчisi, Малика – доя-ҳамшира. Падари бузруквори изидан келаётган ўғли Рўзиохун “Туркистон” шаҳар газетаси таҳририятида мухбир ва таржимон бўлиб ишламоқда. Туркистон Тиббий олий коллежида таҳсил олаётган Дилфузахон отона дуосини олаётган келинлардан. 5 нафар невараси – оила қувончи. Зоро, зиёли инсоннинг оиласида зиё ила сугорилган гўзал ҳаёт ҳукмрон бўлгай.

кезар Наврӯзи олам! ЭЗГУЛИК ВА САДОҚАТ БАЙРАМИ ҚАНДАЙ НИШОНЛНАДИ?

Наврӯз бу – баҳор байрами, табиат янгиланиши айёми, янги йил, янги кун эличисидир. БМТ Баш ассамблеяси 21 март санасини Халқаро Наврӯз куни деб белгилаган ва барча мамлакатларни ушбу қадимий байрамни бутун дунёда оммалаштириша ҳисса қўшишга чақирган.

Баҳорнинг шукуҳли айёми радилар, қарзлари бўлса узадилар, ким билан аразда бўлсалар, ярашадилар.

Туркия: қўшилар билан зиёфат

хавода кимўзар ўйинлари билан нишонладилар. От чоптириш ўйинларининг биринчи мавсуми Наврӯз байрами нишонланадиган кунларга белгиланади, шунингдек, бўрибосарлар ўртасида илк жанглар ҳам айнан шу кунларда бўлиб ўтади. Шунингдек, янги анъана жорий этилган, эндиликда Туркманистонда Наврӯз байрами нишонланадиган кунда Аёл, Она



Ўзбекистон: она табиатни севиш ва инсонпарварлик байрами

21-март – Наврӯз байрами муносабати билан Ўзбекистоннинг ҳар бир вилояти, шаҳарлари ва туманларида босқичма-босқич энг қизиқарли ва томошабол байрам дастурларини ўз ичига олган ҳалқ сайиллари ўтказилиди. Сайлгоҳларда дорбоз томошлари, карнайчилар, фолклор чиқишилар, миллий куй-қўшиқлар ихроси шулар жумласидандир. Шунингдек, ёрдамга муҳтоҷ инсонлар, кексалар, ногиронлар ва кам таъминланган оиласлар ҳолидан хабар олиш, уларга беғараз кўмак бериш, жамиятда ўзаро хурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатлини кучайтиришга қаратилган савоб ишлар, хайрия тадбирлари ва оммавий ҳашарларни амалга ошириш сингари тадбирларга ҳам алоҳида эътибор берилади.

Қирғизистон: қарз узилади, ҳаммаёт тартиби келтирилди

Март ойини қирғизлар «Нооруз» деб аташади. Агар байрам куни чақалоқ дунёга келса, унга албатта, Наврӯз дея исм қўйилади. Шунингдек, қор ёғиши ҳам яхши белгилардан саналади. Байрам арафасида оиласлар ўз турар жойларини тартиби келти-

туркияда Наврӯз байрами кунлари фольклор жамоалар концертлари ташкилластирилди. Бу куни ҳамма бир-биралинига меҳмонга бориб, байрамни қўшилар ва дўстлар билан қарши оладилар. Анъаналарга кўра, 23 марта куни тонгда туриб, тоза ва янги либосларни кийиб, қабристонни зиёрат қилиш керак. У ерда оила аъзолари чой ва қахва ичадилар, овқатланадилар ва сухбатлашидилар. Нонуштадан сўнг оила аъзолари бирин-кетин қаброшларни ўпиди, уйга қайтадилар.

Токикистон
Токикистонда меҳмонларни «Наврӯз муборак бод!», «Наврузатон пируз бод» («Наврӯз байрами билан») дей қарши оладилар. Шу кунда тўкин дастурхонда номи «С» билан бошланувчи еттига егулик қўйилиши шарт.

Эрон: Наврӯз 13 кун нишонлади

куни нишонланади. Бу эса аёлнинг жамият ҳаётида тан олинганигидан дарак беради.

Токикистон

Токикистонда меҳмонларни «Наврӯз муборак бод!», «Наврузатон пируз бод» («Наврӯз байрами билан») дей қарши оладилар. Шу кунда тўкин дастурхонда номи «С» билан бошланувчи еттига егулик қўйилиши шарт.

Эрон:

Наврӯз 13 кун нишонлади

Қадимда Наврӯз 13 кун давомида нишонланган. Байрамнинг охириги кунидаги одамлар далаларга чиқишиган ва Янги йилни қарши олишиган. Шу кунда далага чиқиб, табиатдан завқ олган одамга йил давомида омад ва баҳт кулиб боқишига ишонишган.

Бу анъана Эронда сақланиб қолган. Бу ерда байрам 13 кун нишонланади, шулардан 5 куни Наврӯзни кутиб олиш ва яқин қариндошлар хамда дўстларни бориб кўришга ажратилади. Наврӯз куни арафасида эронлик аёллар гулхан устидан сакрашади.

**Интернетдаги очик
манбалар асосида
тайёрланди.**

ТУБЕРКУЛЕЗГЕ ЖОЛ ЖОҚ ДЕ!

Қазақстанда туберкулездің алдын алу, диагностика жасау және емдеу тегін, олар және мемлекет тарарапынан толығымен қаржыланырылады. Сондай-ақ, туберкулезді ТБға қарсы ўйымдар деңгейінде ерте анықтау үшін Бастанқы медициналық-санитарлық көмек (БМСК) желисінде халықаралық стандарттарға сәйкес келетін диагностиканың ен заманауи әдістерін енгізілген және олар 2 сағат ішінде көптеген дәріге төзімділігі бар микобактериялар мен туберкулезді (бұдан ері-КДТ ТБ) анықтауда мүмкіндік береді.

**Луиза НУРИДДИНОВА,
№12 ШКЕНІҢ ЖТ дәрігері.**

Шимолий Корея Малайзия билан дипломатик алоқаларни узди.

24 акпан Дүниежүзілік туберкулезге қарсы күрес куні. Дүниежүзілік деңгейде аталып өтетін бұл күннің маңызды мақсатміндегі – мұның құрделі мәселе екенін, оның кез келген адамға қатысы болуы мүмкіндігін, сондықтан акцияның табыстылығы әрбір адамның жеке ұстанымына байланысты болатынын жер-жаһандарға барлық адамзат баласына түсіндіріп, үндеу жасау.

САУ БОЛУ – СӘНДІ

7 сәуір –Дүниежүзілік деңсаулық күні жыл сайын бүкіл әлемде атаптып өтеді.

Адамның басты байлығы – оның деңсаулығы, жан саулығы, тән саулығы. Деңсаулық болмаса, дүниенің де, байлықтың да, ойын-сауытың да қажеті жоқ. Сондықтан берілген мүмкіндіктерді пайдаланып, деңсаулықтың күтіп, аурымаудың амалын қарастыру керек.

Қазіргі таңда спортын, дene еңбегімен айналысып, өз деңсаулығына, дene бітіміне қарайтын жастардың қатары көбейіп келеді. Тіпті бұл бір үрдіске айналып бара жатқандай. Ақпарат таратуда алдыңы орында түрган

әлеуметтік жөлілерде дұрыс тамақтану, салмақ тастап, арықтау сынды түрлі тақырыптарда жазатын блогерлерді көптеп көруге болады.

Бұл әрине көніл қуантады. Ондай адамдарға еліктеп, өз өмірін дұрыстап жатқандарды да көзіміз көріп, құлагымыз естіп жүр. Осылай-осылай салауатты өмір салты сәнгеге айналып, спортпен шұғылданышылар қатары артады дегене сенімі мол.

**Нодира ИСЛОМШИҚОВА,
№12 ШКЕНІҢ ЖТ дәрігері.**

Сафар МҮМИН.

Наврӯз келди

**Асрлардан –асрларга ошиб келган
Мұхаббатнинг дарёсидан тошиб келган,
Ошиқларнинг орзусини сочиб келган,
Гул-гул ёниб, ўлкамизга Наврӯз келди.
Чарчоқ билмай, тер түқади дәхқон бобо
Узоқлардан майин елар сарин сабо,
Шўх қизларнинг кулгулари жонга оро
Гул-гул ёниб, ўлкамизга Наврӯз келди.
Бу дунёнинг гавҳарини ерга эксанг,
Сен астайдил белни боғлаб, заҳмат чексанг,
Орзулатынг ушалғанды мисли бексан,
Наврӯз олам ўлкамизга кириб келди.**

Сафар МҮМИН.

● Хотира меҳригиёси

Келин бўлиб тушган хонадонимда инсон қадри юксак баҳоланади. Қайнотам ва қайнонам кўнгли очиқ, маданиятли, одамохун инсонлар бўлиб, куёв болалари ва келинларидан меҳрини дариғ тутмасди. Қайнотам раҳматли “биз келинларга иш буюрмаймиз, улар ўз ишларини кўнгилдагидек бажаришади”, деб, кўкларга кўтариб мақтаб, бизни рағбатлантирадилар. Қайнонам раҳматли вазмин ва меҳрибон аёл бўлиб, ҳар биримизни яхши кўтар, биз билан сирдош эдилар.

Олти овсин бир-бirimiziga опа-сингилдек эдик. Катта овсним – Диёра опам бу пири бадавлат оиласа мөхнати сингган аёл эди. Қайнонамнинг сирдоши, кўмакдоши эди. Ўйимизда тўй-тантана, кўп бўларди. Уларга тайёргарликни асосан, биз аёллар бир ҳафта олдин бошлардик. Тўй-маросимларда ойим “Диёрахон, сиз нима дейсиз?” деб маслаҳат солардилар, унга суянардилар. Диёра опам шу ернинг қизи, туғилиб, катта бўлгани учун, ҳар бир оиласи, одамларни, урғодатларни яхши билардилар. Тўй-маросимлар олдидан Шуҳрат акам ва Диёра опам ҳаммамизни чақириб, маслаҳатлашарди. Диёра опам ҳаммамизга иш тақсимлаб, ўзлари ҳам югуриб-елардилар. Мен каттаман, деб ўтириб олмасдилар. У табиатан мөхнатасевар, чақон, ҳар нарсани саранжом қилас, ҳар нарсада меъерни билар, ҳар ишни чиройли якунларди. Олий тоифали чашначи эдилар.



Баҳор келди, сени сўроқлаб...

Бир тўйда ундан қази пишириш сирасорларини ўргандим. Ҳам иш, ҳам санъат, ҳам маҳорат, асосийси биласизми нима! Чарчаганини билдириласди.

Ҳозир ўйлаб қоламан, Диёра опам хеч нолимаган эканлар, қанча ўй, қанча иши бўлса ҳам “ечими Аллоҳ”, деб, Аллоҳга тақво қилган эканлар. Ўзлари ҳам онасидан эрта айрилган бўлсада, буни бизга айтмаган. Эҳтимол, сухбатдошининг дили хира бўлмасин, дегандир.

Диёра опамнинг яна бир ўзгача хислати бўлиб, одамларга фақат яхшилини раво кўтар, ширинсуханлик билан уларнинг кўнглини олар, ҳар бир хонадонга шодник ва кувонч олиб кирав, эзгулик оламида яшарди. У биз учун гўё эзгулик тимсоли эди.

Диёра опам наздида моддий бойлик эмас, балки инсон қадри устун турарди. Ажойиб оилапарвар инсон, тақдирини Шуҳрат акамдай инсон билан боғлаганидан баҳтиёр эди. Улардаги юксак маданият, ўзбекона путфни кўриб, доиму оиласа эҳтиром билан қарадим.

Ўзбек аёли, ўзбек оналарига хос барча фазилатлар Диёра опамда мужассам эди. У мастьул ишларни бажариш билан бир қаторда қайнона-қайнота ризолиги, дуосини олиб, тўрт солиҳ фарзандни вояга етказиб, уларга ҳавас қилса арзигудек тарбия берганлар.

Ўғли Дилмурод бугун етук шифокор. Қизларига сабр, меъер, камтарликни мерос қилиб қолдириди. Улар нуфузли илим даргоҳларида ўқиши. Зеб-зийнат, либосда меъерни, ҳаёт қийинчиликларида сабрни, оиласини қадрлашни, орзуларга мөхнат билан эришиши ўргатди. Баҳт оддийликдалигини мен шу уч киз мисодила кўрдим.

Қизлар онасига ўхшайди, деган гап бежиз эмас. Улар ўта сабрли, кўзларига қарай олмайсиз, юраги тўла фам... Нене орузлари, гўзлар ниятлари, ҳаваслари ҳазон бўлгандек. Ҳали онасига тўймаган кўзлари, ҳали айтишга ултурмаган сўзлари қалбларида колиб кетгандек...

Ҳар бир кунимиз янги имтиҳон, умримиз синовда. Кимdir йиглаб нола қилар, кимdir ҳаёт шу деб таслим бўлар, кимdir ўзгача йўл тутар. Аммо бу қизлар сабр ва шукур ила Яратгандан онасига чин дунё саодатини сўраб умринг ўткаши аниқ!

Ойим, Аллоҳ раҳмат қилсин, оламдан ўтганида дадам раҳматли ҳаммамиз йиғ-

ласак, олислардан соғинчларга тўлиб, бу хабардан адо бўлиб, дармони кетиб, ўзини билар-билимас, толикиб, анча йўл босиб келган Муяссар опамни бағрига босиб “Муяссар, она қизим, бундай йиғлама, бу Аллоҳнинг иродаси, биз сабрли бўлишимиз керак, бизга сабрдан ўзга чора йўқ”, дегандилар. Шу икки жумла замирида бергувчи ҳам, олгувчи ҳам Аллоҳ, биз ҳаммамиз унга қайтгувчимиз, деган таскини мўл улкан маъно ётар эди.

Диёра опам реанимация бўлимида эканлигини ўшишиб, карами кенг Аллоҳдан унинг соғайиб кетишини, дардига шифо беришини сўрадим. Мен опамнинг соғайиб кетишини ва кўришганимизда “Ҳай, Нилу, озроқ эркаландим-да”, деб, жилмайшиши жуда-жуда истардим. Гоҳида ўйлаб қоламан, инсон қанча яшашини ҳис қилармикан, шунинг учун ҳамма ишни саранжомлаб, тиниб-тинчи масмикан?

Йўл ёпиқ, мен бора олмадим. Телефонда Шуҳрат акамнинг фамгин кўзларини, дардчил юзларини кузатар эканман, гапира олмаяпман. Аёlinи қадрлаган, эъзозлаган, меҳр берган бундай эркаклар ҳозирги кунда кам. Гўёки ҳаёт ўз жилосини йўқотгандек, рангиз бўлиб қолгандек. Бу инсонларга қараб “Яратгувчи Аллоҳ, меҳр риштасини ер юзида фақат шу иккисига берганмикин”, деб ўйлайсиз.

Шуҳрат акам ва Диёра опам бир-бiri учун яралган инсонлардир. Бири гапирса, иккинчиси тинглар, гапларини тасдиқлар, бири ишласа, иккинчиси кўмаклашар, бир-бирини эъзозлар, улуғлар, асрар эдилар. Оила асли шу ришталар, мөхрибонлик, бир-бирини тўлдириш демакдир.

20 марта, айни Наврӯз айёми Диёра опамнинг таваллуд куни эди. Шунинг учун ҳам Диёра опамни мен фасллар ичига баҳорга қиёслардим, чунки, ўзи ҳам баҳорда туғилгани боисми, қалби баҳорнинг ҳавосидай ҳаётбахш эди, қандай даврага келмасин, тўй-ҳашам, туғилган кун бўладими, доимо табассум билан кириб келардилар. У билан биргаликда хонага гўёки баҳор, баҳорнинг нафаси кириб келарди.

Ҳаёт бўлганида 57 баҳорни қаршиларди. Диёра опам эрта баҳорни ғанимат биларди, табиатни, гулларни, эрта гуллаган ўрик жону-дили эди. Гулзор яратиб, парваришилаши, боғда меваларни

саранжомлаши, табиатнинг яшил рангни севиши қайнонамни эслатарди.

Диёра опам умринг ҳар сониясини қадрлаб, унумли ва мазмунли ўтказди, ҳеч нарсани исроф қилмади. Умринг ҳар онига шукур қилиб, ҳар бир кунини мөхнати билан безаб, илм ўрганиб, илм ўргатди. Ҳаётининг ҳар бир баҳорини ўзгача шукуҳ билан кутиб оларди, янги янги режаларни тузар ва уларни амалга оширади. Инсонларга умринг нақадар азизлигини, унинг ҳар сониясини қадрлаш, улуғлаш зарурлигини намойиш эта олди.

Ундан яхши сўз қолди, ибрат қолди, эзгу ишлар билан ўзидан яхши ном қолдиришга муяссар бўлди. Диёра опамнинг фазилатлари ҳақида ҳар қанча гапирсан, ундан ўрнак олсан, оз. Унинг ҳаётдан умидлари катта эди. Инсон яшаган умри билан эмас, босиб ўтган ҳар бир қадами, элга қилган хизматлари билан ёдда қолади, дейишади. У ўзидан ёрқин из қолдириб ҳам улгурди. У каби инсонлар яшагани боис ҳаёт гўзал. Мен Диёра опамдай инсон билан опа-сингил, овсин бўлганидан фахрланаман.

Яхши одамларнинг умри қисқа, дея олмаймиз, чунки, биз уларни умримиз охиригача яхши ном билан хотирамизда сақлаймиз.

Аллоҳим, парвардигорим ўз фазлинг ва раҳматинг ила Диёра опамга жаннатдан жой ато қилгин. Роббим, Шуҳрат акамга, фарзандларига ўзинг гўзал сабр бер, қалбларига юпанч бер.

Мақолам якунда Диёра опам яхши кўргун шоира Зулфиянинг «Баҳор келди сени сўроқлаб» шеъридан қўйидаги мисаларни баён этсам:

**Баҳорга бурканган, сен севган элда
Овозинг янгради жўшқин, забардаст.
Ўлмаган экансан, жоним, сен ҳаёт,
Мен ҳам ҳали сенсиз олмадим нафас.**

**Ҳижронинг қалбимда, созинг қўлимда,
Ҳаётни қуйлайман, чекинар алам.
Тунлар тушибидасан, кундуз ёдимда,
Мен ҳаёт эканман, ҳаётсан сен ҳам!**

**Нилуфар ЮСУПОВА,
мархуманинг овсини.**

Тошкент шаҳри.

Суратда: Диёра Одил қизи Санкт-Петербург шаҳрида ўқиётган ўғлини кўриш учун борган чоғида...



● Соҳир туйғулар

*Оқ гулини,
оппоқ гулини,
наъматаккинам*

Қоя бағридаги ажиб гулдаста! О, менинг оппоқ малагим! Юзида биллурий топчидан парда. О, менинг оқ юзли, иболи, маъсума гулим. Қушлар овозини ўшитган чоғи нозик баданинг чайқалар бир зум. Оппоқ юзинга термулган Қуёш, рашқдан сочининг тортқилар шамол. Сен эса кўнглим эркаси, викор-ла боқасан Самога. Сенинг ишқингда Булбуллар, чарх урар тепангла. Улар ҳам маствонадирлар. Лек сенинг хаёлингда оппоқ баркутдай Булутлар...гўё улар сезмагандай ишқинг ноласин, сокин кезар фируза осмон бағрида.

Бу не кўргулик, не савдо билмам, тақдир ёзмисимкан. Сен эса оқ гулим, оппоқ гулим, термулиб қарайсан, ишқинг жомидан бир коса май тутиб. Пойингда йиғлайди кумуш қор, юм-юм. У ҳам сенинг кўйингда ошиғинг мудом. Ана баҳор келди, тўшаб пойинга бир опам шодлиги қувонч, сен эса беларво, эрка гулим, хаёлингда оппоқ барқут Булутлар. Ана Оққаби каби учиб бормоқда, сенинг танлаганинг оппоқ Булутлар. Сен эса ортидан маъюс: “Ҳайр севгилим, омон бўл, омон!” У эса бегам, беташвиш само денгизида кезар оҳиста.

Оқ гулим, оппоқ гулим, сен билсайдинг, бевафо дунёда Ой юзида ҳам маъюслик ғам, лекин шунда ҳам интилармиш Қуёшга мудом.

Шундан экан, Ойнинг мармар сийнаси минг бир доф эмиш ҳар дам. Наъматагим, Наъматаккинам, бардошли гулим, доим тонгга йўлдош бўлганинг учун Қуёш ҳам алқаб қалб ардоғида. Шундан балки равшандир кўнглинг, шундандир оппоқ Булутларга ошиқлигинг. Балки сени табиатнинг ўзи рашик қилиб, қояларга яширдимкан.

Сен эса кўнглим эркаси Қўкка интиласан, мағрур чайқалиб, ошиғинг Булутлар ортидан секин хўрсиниб...

О, менинг оқ гулим, оппоқ гулим, гўззал малагим, викор-ла боқасан Қуёшга, Ойга...Ҳавас ҳиссига тўлиб-тўлғониб, ишқдан маст бўлиб, тушасан рақса.

Сенинг жамолингни бир кўрмоқ учун кушлар алёрида минг турли нағма. Шамоллар най чалиб, рақсга чорлаб, сенинг кўнглингни олмоқ истайди. Сен эса қоя маликаси, бир елкан мисол олис денгизда. Мен эса ошиғинг, қирғоқда тикига сени кўрмоқ истагида гоҳи умидизман, гоҳи умидвор.

Лекин умид дунёсида ошиғинг бўлиб, бир бора қўришга муштоқман, муштоқ.

Висолинг дардиди девона мисол, бир кўришга зорман, интизор.

О, менинг армонларга айланган гулим, бир нафас кўрмасам, туролмаслигим. Оқ юзлигим, хумор кўзлигим, о, менинг гўзал наъматаккинам!

Баҳор айёмида ташриф буюрган, қалбим ардоғидаги маъсума гулим! Сендан илтимосим, тарқ этма мени мудом, оппоқ гулим, наъматагим, олисдан бўлса ҳам кўриниб тургун!

Саодат МҮМИНБОЙ қизи.

Директор-Бош муҳаррир — Алишер Фоғуржон ўғли СОТВОЛДИЕВ.

Масъул шахслар:

Туркестон, Кентов — Шомирза МАДАЛИЕВ. 8(7253) 2-40-07.
Тўлебий — Баҳорой ДУСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16.
Қазигурт — Хуршид ҚУЧКОРОВ. +7-701-447-37-42.
Сайрам — Мухтабар УСМОНОВА. +7-707-257-97-36.
Тулкибош — Мунира САҶДУЛЛАЕВА. +7-747-144-60-71.
Обуна, реклама ва эълонлар — Зокиржон МЎМИНЖОНОВ. +7-702-278-96-90

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.

Муассис — Туркестон вилояти ҳоқимлиги.

Мулк эгаси — “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сийёсий газетаси таҳририяти” масъулияти чекланган бирордарлиги.

- Маколалар, эълон ва билдирувпардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муалифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдор.
- Фойдаланилмаган мақ